

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОКЛАР ВА УЛАРНИНГ УНУМДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Исломов Ўткир Пирметович

Илмий раҳбар. “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, PhD., доценти.

Мирзабоева Ирода Бахромжон қизи

“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”

Миллий тадқиқот университети, талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17722080>

Аннотация. Ушбу мақолада сув танқислиги тобора ошиб бораётган бир вақтда Навоий вилоятининг кишлоқ хўжалиги суғориладиган ер тупроқ унумдорлик даражасини мониторинги бўйича маълумотлар келтирилган, ундан ташқари олдинги йиллар олиб борилган илмий ишлар натижаларини ҳозирги кунда янги маълумолари асосида таққослаш графиклари ва Навоий вилоятининг туманларида олиб борилган асосий илмий тадқиқот ишларга асосланган тупроқ унумдорлиги даражасини мониторинги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Кишлоқ хўжалиги ерлари, суғориладиган ерлар, унумдор ерлар, яхши ерлар, ёмон ерлар, ўртача паст ерлар, ўртача яхши ерлар ва тупроқлар бонитет балли.

Аннотация. В статье приводятся данные о мониторинге плодородия почв орошаемого земледелия в Навоиской области в период увеличения дефицита воды; Он также предоставляет данные о мониторинге плодородия почвы на основе основных исследований в районе.

Ключевые слова: Сельскохозяйственные угодья, орошаемые земли, плодородные земли, хорошие земли, плохие земли, умеренно низкие, умеренные хорошие земли и почвенный балл.

Abstract. The article provides information on the monitoring of soil fertility in irrigated agriculture in the Navoi region at a time of increasing water scarcity. In addition, data on comparing the results of previous years' scientific work with the up-to-date information and monitoring of soil fertility levels based on the main research activities in the districts of Navoi region. In addition, data on comparing the results of previous years' scientific work with the up-to-date information and monitoring of soil fertility levels based on the main research activities in the districts of Samarkand region.

Key words: Agricultural land, irrigated land, fertile land, good lands, bad lands, moderately low, moderate good lands and soils bonitet score.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер турларидан бири экин ерлари бўлиб, улар ичида суғориладиган ерлар кишлоқ хўжалигида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда кишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари-фермер хўжаликлари, кластер тизими ва бошқа ерлардан фойдаланувчилар тизими яратилганлиги, фермерларнинг ўзлари эгалик қилаётган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини билиш ҳамда шу асосида ёндашиш талабини қўймоқда. Бу борада давлат кадастрининг асосий қисми бўлган тупроқлар бонитировкаси муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш тизимида

мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси муҳим амалий аҳамият касб этади. Ундан кўзланган асосий мақсад олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, Хаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, Республикадаги барча соҳаларни модернизация қилиш бўйича энг устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат.

Бугунги кунда республикада мавжуд фермер хўжаликлари суғориладиган ерларнинг сифат жиҳатдан баҳолаш ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини белгилаш, бонитировка маълумотларидан турли мақсадларда фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Сўнги йилда соҳа таркибига қирувчи ташкилотлар томонидан Навоий вилоятининг барча туманларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисидаги ҳамда Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 529-сонли қарори асосида суғориладиган ерларнинг тупроқ сифатини баҳолаш ишлари тизимли амалга оширилди. Тупроқнинг унумдорлиги бўйича баҳолаш агротехник тадбирлар ва деҳқончиликни жадаллаштиришнинг ўртача даражасини ҳисобга олган ҳолда бажарилди. Унумдорлик бўйича баҳолаш муайян ердаги қишлоқ хўжалик экинларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

Ўзбекистонда суғориладиган тупроқ шароитида гўзанинг талаблари ҳисобга олинади ва шу асосда ишлар амалга оширилади. Мамлакатимиз тупроқ-иқлим, геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари ўзига хос характерга эга, шу нуқтаи назардан тупроқ унумдорлиги кўп жиҳатдан табиий омиллар ҳамда инсон омиллигига боғлиқдир. Саҳо ташкилотлар томонидан ҳамда “Тупроқ таркиби ва репозитория, сифат таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси томонидан ўтиб борган йил давомида Навоий вилоятининг Нурота, Кармана, Конимех, Навбахор, Учқудук, Қизилтепа, Хатирчи туманлари ва Зарафшон, Навоий шаҳарлари суғориладиган ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш ишларининг бошлагич босқичи бўлган дала-тадқиқот ишлари олиб борилди. Дала-тадқиқот ишлари, тупроқ кесмаларидан олинган тупроқ намуналарнинг кимёвий таҳлили, дала хариталарини таҳлил қилиш, майдон ҳисоблаш натажалари асосида вилоят туманлари Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан хизмат фаолиятларида фойдаланишлари учун массивларнинг 1:10000 микёсдаги тупроқ айирмалари кўрсатилган тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилди ҳамда объект тупроқларини тавсифловчи экспликациялар тузилди. Тупроқ сифатини баҳолаш хариталарида тупроқ айирмаларининг ўртача бонитет баллари ва кадастр гуруҳлари бўйича ҳисобланган ер майдонлари берилди.

Шу билан бирга массивларнинг тупроқ сифатини баҳолаш натажалари асосида массивлар билан чегараланган ҳар бир контурнинг суғориладиган ер майдонлари қайдномалар асосида ҳисобланди. Массивлар чегараси бўйича жойлашган ҳар бир контур тупроғининг унумдорлик даражаси кўрсаткичи бонитет балли, тупроқ сифатини белгиловчи класслари изоҳномада берилди.

Вилоят бўйича суғориладиган тупроқларнинг сифатини баҳолаш ишлари 103244,7 гектар суғориладиган ер майдонида бажарилди. Тупроқнинг табиий унумдорлигини ҳисобга олганда суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалигида

фойдаланишда ярокдилигининг потенциал имкониятларига кўра туманда суғориладиган ерлар унумдорлик бўйича 7 та синфга баллар бўйича, тупроқларнинг сифати бўйича 4 та кишлоқ хўжалик кадастр зонасига гуруҳларга бирлаштирилган.


Бажарилган тупроқ баҳолаш ишлари натижаларига кўра, вилоят бўйича суғориладиган тупроқларнинг ўртача 53,8 баллни ташкил этди. Бу кўрсаткич олдинги 2009-2015 йилда олиб борилган тупроқ сифатини баҳолаш ишлари натижасига кўра 0,6 бонитет баллга ошган.

Навоий вилояти тупроқларининг унумдорлик даражаси бўйича майдонлари таксимланганда, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроксиз, ёмон сифатли ерлар (I-II класс; 0-20 балл) вилоятда аниқланмади. Ўртачадан паст кадастр гуруҳига кирган ерлар вилоятда 19121,9 гектар ерни ташкил этди. Бу вилоят суғориладиган ерларининг 18,5 % ига тенг бўлиб, сифат баҳоси кўрсаткичи бўйича III-IV классга тааллуқлидир, бонитети 21-40 баллар билан баҳоланди. Вилоят бўйича кам маҳсулдор ўртачадан паст ерларнинг хиссаси олдинги тур тупроқ сифатини баҳолаш ишлари натижаларига кўра, 24,2 % дан 18,5 % га камайган. Бу кўрсаткич 6584,5 гектарни ташкил этди.

Вилоятнинг ўртача сифатли кадастр гуруҳига кирган ерлари 50344,0 гектарни ташкил этди. Бу вилоят суғориладиган ерларининг 48,8 % га тенг бўлиб, сифат баҳоси кўрсаткичи бўйича V-VI классга мансубдир, тупроқларнинг бонитети 41-60 баллар оралиғида баҳоланди. Ўртача сифатли кадастр гуруҳига кирган ерлар майдони олдинги тур тупроқ сифатини баҳолаш ишларига нисбатан 4337,0 гектарга кўпайган. Навоий вилоятининг яхши сифатли кадастр гуруҳига кирувчи ерлари 32494,3 гектарни ташкил этган. Бу вилоят суғориладиган ерларининг 31,5 % га тенг. Бу ерлар VII-VIII кадастр классига тааллуқли бўлиб, бонитети 61-80 балл билан баҳоланди.

Яхши сифатли ерлар вилоят бўйича олдинги йилларда олиб борилган иш натижаларига нисбатан 0,3 % га ортган, лекин жами суғориладиган майдонга нисбатан 730,5 гектарга камайган. Энг яхши сифатли кадастр гуруҳига кирувчи 1284,5 гектар ерлари туман суғориладиган ерларининг 1,2 % ини ташкил этди. Бу тупроқларнинг хиссаси вилоятда кам бўлиб, IX-X классларни ўз ичига олади. Бу тупроқлар бонитети 81-100 балл билан баҳоланди. (1 расм)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИНИ КАДАСТР ГУРУҲЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ (%)



Навоий вилояти туманлари бўйича ўртача ҳисобланган бонитет балли Хатирчи тумани 30008,0 гектар бўйича энг катта 61,2 балл VII-класс яхши ерлар гуруҳига кирди.

Бу кўрсаткич 2009-2015 йил олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 0,2 баллга ошган. Вилоят туманлари бўйича тупроқларининг бонитет балли нисбатан энг паст кўрсаткич Учқудуқ туманида аниқланиб, бонитети 29,7 баллга тенг деб баҳоланди. Лекин бу кўрсаткич олиб борилган аввалги тадқиқот натижаларига нисбатан 1,7 баллга ошган.

Навбахор тумани ва Навоий шаҳри суғориладиган ерларининг ўртача ҳисобланган бонитети бўйича VI классга, ўртача сифатли ерлар гуруҳини ташкил этди. Кармана, Конимех, Қизилтепа туманлари ва Зарафшон шаҳри ерларининг ўртача ҳисобланган бонитети бўйича V класс ўртача сифатли ерлар гуруҳини ташкил этди. Навоий вилоятида тупроқларнинг унумдорлик мониторинг динамикаси ижобий томонга сезиларли даражада ўзгарган, жумладан, бонитет баллари Кармана тумани ерларида 2,1 баллга, Конимех тумани ерларида 1,4 баллга, Учқудуқ тумани ерларида 1,7 баллга, Хатирчи тумани ерларида 0,2 баллга ошган. Тупроқлар унумдорлик динамикасининг узгаришсиз қолиши Қизилтепа туманида кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда вилоятда олдинги йилларга нисбатан олиб борилган агротехник табирилар натижасида суғориладиган тупроқлар ва уларнинг унумдорлик даражаси яхшиланган. Ерларни, айниқса, суғориладиган ерларни асраб авайлаш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб масалалардан бири бўлиб турганлигини ҳисобга олиб, 2019 йил давомида ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳолатини доимий назорат қилиб бориш бўйича республикамізда янги тизим яратилиб, ушбу тизим асосида тизимдаги 1200 нафарга яқин ер тузувчи мутахассислар томонидан мавжуд ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатлари мониторинг қилиниб борилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда “Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент “Адолат” 2017 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси туғрисидаги ҳамда ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси туғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 529-сонли қарори.
3. Миллий ҳисобот 2020 йил
4. Khamidov M.K, Isabaev K.T, Urazbaev I.K, Islomov U.P, Inamov A.N. Hydromodule of irrigated land of the southern districts of the republic of karakalpakstan using the geographical information system creation of regional maps. *Eur J Mol Clin Med.* 2020;7(2):1649-1657.
5. Sharipov D, Khikmatullaev S, Islomov U.P., Numerical solution to the equation of transfer and diffusion of harmful substances distribution in atmosphere. *Int Conf Inf Sci Commun Technol Appl Trends Oppor ICISCT* 2019. 2019;(1):1-5. doi:10.1109/ICISCT47635.2019.9011860
6. Mukhamadkhan Khamidov, Khasimbek Isabaev,. Ilkhom Urazbaev, Utkir Islamov, Aziz Inamov, Zokhid Mamatkulov* Application Of Geoinformation Technologies For Sustainable Use Of Water Resources. *Eur J Mol Clin Med.* 2020;7(2): 1639-1648.

7. Babajanov A. et al. Organizational and economic mechanisms of regulating land relations in agriculture //BIO Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 65. – С. 03005.
8. Ер участкаларини рўйхатга олишда геодезик ишлар. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-4-6>
9. Abdullaev T. et al. Higher Geodesy//Textbook. – 2017.
10. Бабажанов а. Р. И др. Повышение экологической безопасности сельскохозяйственных земель на основе развития лесного хозяйства республики узбекистан //ббк 41/42 о14. – 2023. – с. 19.
11. Allanazarov O., Khikmatullaev S., Islomov U. Maintaining the state cadaster of the territories on the base of remote sensing materials //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 371. – С. 01014.
12. Babajanov A. et al. Advantages of formation non-agricultural land allocation projects based on GIS technologies //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 227. – С. 05001.
13. Исломов У. П. и др. Мониторинг сельскохозяйственных земель Республики Узбекистан и их мелиоративное состояние //ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ. – 2022. – С. 27-41.